

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий
кенгаши хузуридаги Судьялар олий
мактаби Кенгашининг 2022 йил
“_” даги қарорига ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактабининг судьялик лавозимлариға номзодларни
тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Таълим тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариға, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимлариға талабгорларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) хузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда Олий мактаб деб юритилади)нинг судьялик лавозимлариға номзодларни тайёрлаш курси (кейинги ўринларда Тайёрлаш курси деб юритилади)га қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Тайёрлаш курсига қабул қилиш Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган қабул квоталариға мувофиқ давлат грантлари асосида амалга оширилади.

3. Тайёрлаш курсига қабул барча учун тенг ҳуқуқлилик, ягона қабул қоидалари ва танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида юқори балл тўплаган талабгорларнинг қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

4. Тайёрлаш курсига ўттиз тўрт ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси қабул қилинади.

5. Тайёрлаш курсида ўқиш учун қуидаги шахслардан ҳужжатлар қабул қилинмайди:

- жиноят содир этганликда айбланаётган шахс;
- судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган шахс;
- хорижий давлат фуқаролигига эга бўлган ёки хорижий давлат худудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа ҳужжатга эга бўлган шахс;
- суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахс;
- психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган шахс;
- судьянинг ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган бошқа касалликка чалинган шахс.

6. Талабгорларни қабул қилиш қуйидаги суд ихтисосликлари бўйича амалга оширилади:

- фуқаролик ишлари бўйича;
- жиноят ишлари бўйича;
- иқтисодий;
- маъмурӣ.

7. Тайёрлаш курсида ўқиши муддати ҳар йили сентябрь ойидан бошланадиган бир ўқув йилини ташкил қиласди.

8. Қабул комиссияси таркиби камидан саккиз нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади. Қабул комиссияси раиси, раис ўринбосари ва масъул котиби (кейинги ўринларда – масъул котиб деб аталади) Кенгаш раисининг буйруғи билан, қабул комиссиясининг қолган аъзолари эса Олий мактаб директорининг буйруғи билан камидан беш нафар аъзодан иборат таркибда тайинланади. Қабул комиссиясининг ташкилий ишлари масъул котиб томонидан амалга оширилади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

9. Тайёрлаш курсига кириш синовлари бошланишидан бир ой аввал Қабул комиссияси тайёрлаш курсига қабул қилиш муддатлари, ихтисосликлар номлари ва ажратилган ўринлар ҳақидаги ахборотни Кенгаш, Олий суд, Олий мактабнинг веб сайтлари ва телеграм каналларида, бошқа оммавий ахборот воситаларида белгиланган тартибда эълон қиласди.

10. Тайёрлаш курсига киришда талабгорлар Олий мактабга бевосита ёки унинг веб-сайти орқали (www.sudyalaroliymaktabi.uz; www.sudya.uz) электрон шаклда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- тайёрлаш курси ихтисослиги номини кўрсатган ҳолда Олий мактаб директори номига ариза;
- талабгор томонидан шахсан тўлдирилган сўровнома ва таржимаи ҳол;
- Кенгаш томонидан белгиланган намунадаги шахсий варака (объективка) ва яқин қариндошлари (*талабгор ва унинг турмуши ўртогининг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, шунингдек талабгорнинг фарзандлари*) тўғрисидаги маълумотнома, шу жумладан электрон шаклда;
- олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом (*таълим йўналиши: юриспруденция; таълим шифри: 5240100*) ва унинг иловаси нусхалари;
- талабгорнинг паспорт ёки ID картаси нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- 3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиласди;
- психиатрия ва наркология муассасаларида ҳисобда турмаслиги тўғрисида маълумотнома;

- хорижий давлат фуқаролигини олмаганлиги ёки хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа хужжатга эга эмаслиги тўғрисидаги тилхат;
- охирги уч йил давомида бажарган ишлари тўғрисида иш жойидан маълумот-тавсифнома;
- иш жойидан тавсиянома;
- талабгор ва унинг яқин қариндошларининг судланганлик ҳолати бўйича маълумотнома.

11. Талабгорлардан хужжатлар ҳар йили 15 апрелдан 15 майга қадар қабул қилинади.

12. Қабул комиссияси келиб тушган хужжатларни З кунлик муддатда талабгорнинг касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатларини ўрганиш учун Кенгашга юборади.

3-боб. Кириш синовлари

13. Кириш синовларини ўтказиш тартиби Қабул комиссияси томонидан белгиланади.

14. Кириш синовлари давлат тилида ўтказилади. Қабул комиссиясининг қарорига асосан кириш синовлари бошқа тилларда ҳам ўтказилиши мумкин.

15. Кириш синовлари қоида тариқасида август ойида ўтказилади. Психологик тест Тайёрлаш курсига хужжат топширилганидан сўнг босқичмабосқич ўтказиб борилади.

16. Кириш синовлари уч босқичдан, яъни психологик тест, ихтисослик синови ҳамда оғзаки сухбатдан иборат.

17. Психологик тест Кенгашнинг “Психологик тест” ахборот тизими базасида ташкил этилиб, натижаси психолог мутахассис томонидан баҳоланади. Психологик тест шахсизлантирилган ҳолда текширилади. Психологик тест натижаси “қониқарсиз” баҳоланган талабгорлар кейинги босқич синовларига қўйилмайди.

18. Психологик тестни ўтказиш тартиби Кенгашнинг 2021 йил 6 майдаги СОҚҚ-1543-Ш-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга қўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

19. Ихтисослик синовлари мутахассислик ва чет тили бўйича тестдан ҳамда ҳуқуқий мавзудаги иншо ёзишдан иборат. Ихтисослик синовларининг умумий баллари қўйидагилардан ташкил топади:

- мутахассислик бўйича тест 93 балл (30 та тест саволи бўйича 3,1 баллдан);
- чет тили бўйича тест 33 балл (30 та тест саволи бўйича 1,1 баллдан);
- ҳуқуқий мавзуда ёзма иш (иншо) 93 балл.

20. Миллий сертификат ёки халқаро сертификатнинг қўйидаги даражаларига эга бўлган талабгорларга чет тили фанидан синовларсиз максимал балл берилади:

– инглиз тили учун – миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5.5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

– немис тили учун – миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

– француз тили учун – миллий сертификат ёки Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;

– бошқа тиллар учун – миллий сертификат ёки халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори.

21. Ихтисослик синовлари ихтисосликлар бўйича алоҳида ўтказилади. Ихтисослик синовлари талабгорнинг мутахассислик ва чет тиллари фанлари бўйича билим даражаси, таҳлилий, танқидий фикрлаш, ҳукуқий манбалар билан мустақил ишлаш ҳамда ҳукуқий масалалар бўйича хулосаларни баён этиш борасида қобилияtlарини ва саводхонлик даражасини аниqlашга қаратилган.

22. Кириш синовларини ўтказиш учун Олий мактаб директорининг буйруғи билан ҳар бир ихтисослик фанлари бўйича алоҳида комиссиялар ташкил этилади.

23. Ихтисослик фанлари бўйича комиссия таркибига Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари киритилади. Шунингдек, заруриятга кўра, комиссия таркибига Кенгаш ва Олий суд судьялари, ходимлари, бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

24. Ихтисослик фанлари бўйича комиссия раислари зиммасига қўйидаги масъулият юкланди:

– синовлар сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссия таркибига малакали, талабчан ва адолатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

– комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, синов саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

– синов жараёнига раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

25. Ихтисослик бўйича синовларни ўтказиш тартиби (ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва бошқалар) Қабул комиссияси томонидан белгиланади.

26. Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган ихтисослик синовларининг натижалари баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар ихтисослик бўйича синов комиссиясининг аъзолари, қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

27. Ихтисослик синовларида максимал баллнинг ярмини тўплай олмаган талабгорлар кириш синовларининг суҳбат босқичига қўйилмайди.

28. Суҳбат ўтказиши Кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, қуи судлар, Судьялар ассоциацияси, Олий мактаб ва юридик олий таълим муассасалалари вакилларидан иборат таркибдаги маҳсус комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркиби ҳар бир ихтинослик бўйича камида тўққиз нафар аъзодан иборат бўлиб, учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Суҳбат комиссияси раиси Кенгаш раиси томонидан тайинланади.

29. Суҳбат талабгорниң суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан, юриспруденцияга оид таълимотлар ва қоидалардан ҳамда ихтиносликка оид қонунчиликдан хабардорлигини, шунингдек унинг дунёқарashi доирасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

30. Суҳбат натижасига кўра ҳар бир комиссия аъзоси томонидан талабор 100 баллик тизим асосида баҳоланади ҳамда комиссия аъзоларининг сонига бўлган ҳолда, унинг ўртача балли ҳисоблаб чиқилади.

31. Қабул комиссияси талабгорниң ихтинослик синовлари ва суҳбат натижасида тўплаган балларини қўшиб ҳисоблаган ҳолда энг юқори балл тўплаган талабгордан бошлаб камайиш тартибида қабул квотасида белгиланган сонгача Тайёрлаш курсига қабул қилинган тингловчилар рўйхатини шакллантиради.

32. Тайёрлаш курсига қабул қилинган талабгорларнинг синов ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

33. Ўқишига қабул қилинмаганларнинг синов ишлари 6 ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

34. Кириш синовларини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

4-боб. Кириш синовларини ўтказиш тартиби

35. Кириш синовларини ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси Қабул комиссиясига юкланади.

36. Кириш синовларини ўтказиш жадвали Қабул комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Қарорга кириш синовларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган талабгорлар рўйхати илова қилинади.

37. Кириш синовлари ўтказиладиган фанлар дастури, қоида тариқасида, кириш синовлари бошланишидан бир ой олдин Олий мактаб веб-сайтига жойлаштирилади.

38. Кириш синовлари ўтказилишига қадар Қабул комиссияси томонидан синов фанлари бўйича маслаҳатлар ташкил этилади. Маслаҳатлар жадвали Қабул комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

39. Кириш синовлари ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади. Видеотасвирдан нусха кўчириш тақиқланади.

40. Кириш синовлари ўтказиладиган бинода кириш синовлари материалларини тарқатиш ва йиғиб олиш учун синов вақтида ушбу материалларни сақлаш учун сейфлар билан жиҳозланган маҳсус хона тайёрланади.

41. Кириш синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларда уларни ўтказиш учун санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган зарур техник, тиббий ва майший шароитлар яратилиши керак.

42. Ихтинослик синовлари Қабул комиссияси ёки унинг буюртмасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

43. Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари ва Олий мактабнинг бошқа ходимлари аудиторияларга масъул (аудитория кузатувчиси) этиб жалб қилинади.

44. Ихтинослик синовларини очик ва шаффоф ўтказиш мақсадида қабул комиссиясининг қарорига асосан бошқа идоралар ва жамоатчилик вакиллари аудитория кузатувчилари сифатида жалб қилиниши мумкин.

45. Кириш синовларини ўтказиш жараёни тўғридан-тўғри намойиш этиб борилади.

46. Ихтинослик фанлари бўйича кириш синовлари саволлари ихтиносликлардан келиб чиқиб тузилади.

47. Тузиладиган саволларнинг сифати, мазмuni ҳамда уларнинг бошқаларга ошкор этилмаслиги бўйича масъулият Ихтинослик бўйича комиссия раиси ва аъзоларига юкланади.

48. Чет тилидан тест саволлари инглиз, немис ёки француз тилларида ёхуд Қабул комиссиясининг қарорига кўра, талабгорнинг хоҳишини инобатга олинган ҳолда бошқа тилда ҳам тузилиши мумкин. Чет тилидан тест саволлари Давлат тест маркази томонидан шакллантирилади.

49. Ихтинослик фанлари бўйича комиссия томонидан тузилган тест саволлари ва иншо мавзулари Қабул комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган аъзога байдонома билан бирга топширилади. Яширин овоз бериш йўли билан сайланган аъзо ҳақидаги маълумотни ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

50. Талабгор қуйидаги ҳолларда имтиҳонларга киришга рухсат берилмайди:

имтиҳонга белгиланган вақтдан кеч қолган такдирда;
имтиҳонга алкоголь ёки психотроп модда таъсирида келган ҳолларда;
тақиқланган ашёларни олиб киришни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширувдан ўтишдан бўйин товлагандан.

51. Талабгорлар кириш синовлари топшириш учун белгиланган вақт ва жойга ўз шахсини тасдиқловчи хужжат билан келиши лозим. Синовда қатнашмаган талабгорлар учун қўшимча синов ўтказилмайди.

52. Кириш синовларини топшириш учун талабгорлар гурухларга бўлиниши мумкин.

53. Кириш синовлари ўтказиладиган аудиторияга қоғоз ёки электрон манбадаги ўқув адабиёти, луғат, маълумотнома, жадвал, конспект, ёзув дафтарлари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, норматив-хуқуқий хужжатлар, алоқа воситалари, аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиши, шунингдек синов жараёнида

талабгорларнинг тест саволлари ёки бошқа масалалар юзасидан ўзаро сухбатлашиши тақиқланади.

54. Талабгорларнинг кириш синовлари давомида аудиториядан чиқиши тақиқланади. Соғлигининг ёмонлашиши ва бошқа зарур ҳолатларда синов материалларини қолдириб, кузатув остида аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

55. Кирин синовларини ўтказишнинг белгиланган тартибини бузган талабгор синовдан четлаштирилади. Бунда аудитория кузатувчилари томонидан далолатнома расмийлаштирилган ҳолда талабгорнинг тест синовлари ва ёзма ишлари баҳоланмайди ҳамда улар синовда иштирок этмаган ҳисобланади.

56. Аудитория кузатувчилари талабгорлар гувоҳлигида иншо мавзулари ёзилган билетлар солинган конвертлар муҳрланганига ишонч ҳосил қилга, уларни очади.

57. Кузатувчилар иншо ёзиш учун мўлжалланган қатъий ҳисобда турувчи, рақамланиб муҳрланган дафтарларни тартиб билан тарқатади.

Бунда дафтарларнинг вараклари алмаштириш имконини истисно қиласиган тарзда Қабул комиссияси муҳри ва комиссия раисининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

58. Аудитория кузатувчилари талабгорларга дафтар муқовасида ўз фамилияси, исми, отасининг исмини кўрсатиши, дафтар варакларини бувламаслик, фарқ қилувчи белгилар қўймаслик, ёзувлар тагига чизмаслик, жавобларни белгилашда кўк ҳаворанг шарикли ручкадан бошқа ручкадан фойдаланмаслик ҳақида тушунтириш бериши, шунингдек ушбу талабларни бузиш ёзма синов ўтказиш талабларини бузиш деб ҳисбланиши ҳақида уларни огоҳлантириши лозим.

59. Синов якунлангач, Қабул комиссияси раиси дафтарлар солинган қутиларни аудитория кузатувчиларидан қабул қилиб олади ва дафтарларнинг муқоваси ва биринчи варагига маҳсус шифрлар қўйиб, дафтар муқовасини йиртиб олади ва қўйилган шифрларнинг сир сақланиши учун шахсан жавоб беради.

60. Ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш мақсадида синов якунланган заҳоти маҳсус комиссия ташкил этилади.

61. Маҳсус комиссия аъзолари томонидан ёзма ишларни текшириш ва баҳолаш учун ажратилган хонага уяли телефонлар, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситаларини олиб кириш тақиқланади.

62. Маҳсус комиссия раиси дафтарлар солинган қутиларни Қабул комиссияси раисидан қабул қилиб олиб, маҳсус комиссия аъзолари иштирокида очади ва дафтарларнинг муқовалари ажратилганлиги ва шифрланганигини текширади.

63. Муқоваси ажратилмаган, шифрланмаган ёки талабгорнинг шахсини аниқлаш имконини берувчи бошқа белгилари мавжуд бўлган дафтарлар аниқланган тақдирда, далолатнома тузилади. Бундай ишлар текширилмайди.

64. Ёзма иш натижалари тегишли шифрлар билан алоҳида қайдномага киритилади.

65. Дафтарлар ва ёзма иш натижалари қайдномаси қутиларга солинади ҳамда махсус комиссия раиси томонидан Қабул комиссияси раисига топширилади.

66. Психологик тест, тест синовлари (чет тилидан ташқари), ёзма иш (иншо) ҳамда сұхбат натижалари бүйича шикоятлар Олий мактаб расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан эътиборан 24 соат давомида қабул қилинади. Судьялар олий мактабига кириш ва якунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси (бундан бўён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) шикоятларни 2 иш кунида кўриб чиқади.

67. Синов бўйича апелляция куни ва вақти ҳақида Олий мактаб расмий веб-сайтида эълон берилади ёки шикоят йўллаган талабгор хабардор қилинади.

68. Зарур ҳолларда, апелляцияни кўриб чиқиш жараёнига махсус комиссия аъзолари, аудитория кузатувчилари ва бошқа шахслар жалб қилиниши мумкин.

69. Шикоятни кўриб чиқиш натижасида Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- кириш синови натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш;
- талабгорнинг шикоятини қаноатлантириш.

Талабгорнинг шикояти қаноатлантирилган тақдирда, Апелляция комиссияси талабгорнинг синов ишига узил-кесил балл қўяди ва қабул қилинган якуний қарор ҳақида унга хабар беради.

Апелляция комиссияси қарори устидан Кенгашга шикоят қилиниши мумкин.

70. Қабул комиссияси томонидан талабгорларнинг тест синовлари, ёзма иш (иншо)дан ҳамда сұхбатдан олган баллари жамланиб, умумий қайдномада барча ихтисосликлар бўйича талабгорларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади.

71. Рўйхатда талабгорлар тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориши тартибида ўқишига қабул қилинганлар алоҳида-алоҳида жойлаштирилади.

72. Қабул комиссияси муайян ихтисосликка танловдан ўта олмаган ва энг юқори балл тўплаган талабгорни унинг розилиги билан квота ўринлари тўлмай қолган бошқа ихтисосликка ўтказишга ҳақли.

5-боб. Ўқишига қабул қилиш тартиби

73. Умумий қайднома асосида Қабул комиссияси томонидан талабгорларни тайёрлаш курсига қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

74. Олий мактаб директорининг Қабул комиссияси баённомасига асосан талабгорларни тайёрлаш курси тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақидаги

буйруғи чиқарилади ва бу ҳақдаги маълумот дарҳол Олий мактабнинг веб-сайтига жойлаштирилади.

6-боб. Якунловчи қоида

75. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.